

## **ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИНГ ФРОНТ ЭХТИЁЖЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛИШИ.**

**Тўраев Муродулло**

**ҚаршиДУ 2 курс магистранти**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7902745>

Иккинчи жаҳон уруши бутун дунё халқлари хотирасида ўзининг фожиавий изини қолдирган тарихий воқеалардан биридир. Ўзбекистоннинг уруш йилларидаги тарихини ҳолисона ва адолат нуқтаи назардан ўрганиш тарихий хотира учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тармоғи моддий-техника базасини мустаҳкамлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Чунки эвакуация қилинган ва янгидан ташкил этилган ҳарбий госпиталларни бинолар, керакли тиббий асбоб-ускуналар ва кадрлар билан таъминлаш, тиббиёт соҳасига фаннинг янги-янги ютуқларини жорий этиш учун катта маблағ талаб қилинди. 1941 йил республика соғлиқни сақлаш тизимига 330556 минг рубль сарфланган бўлиб, асосий маблағлар даволаш ишларига, кадрлар тайёрлашга, соҳа фанини ривожлантириш учун ажратилди. 1944 йилга келиб соҳа учун ажратилган умумий маблағ 482653 минг рублни ташкил қилди.

Уруш йиллари қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат ишини ташкил этиш борасида ҳам муаян ишлар олиб борилди. Бу даврда Ўзбекистонда қишлоқ врачлик участкалари 9,1 мартага, улардаги даволаш ўринлари 9,4 мартага кўпайди. Қишлоқларда деҳқончилик экинларини экиш ва ҳосилини йиғиш пайтида шаҳар ва туман марказларидан тиббий хизматчилар бригадалари юборилиб, улар аҳолининг яшаш ва меҳнат шароитларини ўрганиб, керакли тиббий ёрдам кўрсатди. Масалан, 1942 йили Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари қишлоқларига 47 та шифокор бригадаси юборилди. Республика қишлоқ даволаш муассасалари 1941 йили 200 та бўлса, 1945 йилга келиб 296 тага етди. Улардаги даволаш ўринлари сони 6134 тага ортди. Қишлоқларда асосий тиббий маскан ҳисобланмиш фельдшер-акушерлик пунктлари сони шу йилларга тааллуқли равишда 928 тадан 1158 тага кўпайди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда даволаш муассасалари, ўринлар ва тиббиёт ходимлари эвакуация қилинганлар ҳисобига ортиб борди. 1941 йили Ўзбекистонда 368 та касалхона ва 19498 даволаш ўринлари мавжуд бўлган бўлса, 1945 йилга келиб шифохоналар 481 та, даволаш ўринлари 24848 тага, врачлар эса 2561 тадан 2984 тага ортди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш органлари зиммасига юкланган мураккаб вазифалардан бири бу эвакуация қилинган госпиталлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг иш жараёнларини ташкил этиб, ярадор ва беморларни даволаш ишларини олиб бориш эди. Қоида бўйича ҳарбий госпиталлар асосан темир йўл яқинидаги шаҳар ҳудудларига жойлаштирилди ва госпиталлар фаолиятига республика Соғлиқни сақлаш халқ комиссари ўринбосари Б. И. Берлинер раҳбарлик қилди. Госпиталлар учун мактаб ва институт, клуб ва театр бинолари бўшатиб берилди. 1941 йилнинг декабрида республикада 96 та эвакуация қилинган госпиталлар бўлиб, уларда 31700 даволаш ўрни мавжуд эди. 1942 йилнинг охирига келиб Ўзбекистонда 113 та ҳарбий госпитал ва уларда 39140 та даволаш ўрни ишлаб турди. Ҳарбий госпиталларда 1941 йил

октябридан 1945 йил 1 июлига қадар 164 минг 382 нафар ярадор аскар ва зобитлар даволанди.

Ҳарбий госпиталлар асосан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида жойлаштирилиб, уларнинг ҳар бирига 20 тадан, Фарғона вилоятида эса 16 та шундай даволаш муассасаси фаолият олиб борди. Масалан, Самарқанд шаҳрида 1530, 1268, 1267, 3963, 3962, 3964, 3965-сонли ҳарбий госпиталлар ишлаб турди. Шаҳардан ташқари госпитал тармоқлари вилоятнинг темир йўлга яқин жойлашган Булунғур, Нарпай, Пахтачи каби туманларида жойлаштирилди. Самарқанд вилоятидаги госпиталларда уруш йилларида 50 мингдан ортиқ ярадор аскар ва зобитлар даволанди. Даволанган ярадорларнинг 49 фоизи ҳарбий хизматга қайтарилди. Госпиталлардаги ярадорларни даволашда Самарқанд шаҳрига эвакуация қилинган С. М. Киров номидаги Ленинград ҳарбий-тиббий академияси олимлари ва мутахассислари катта ёрдам кўрсатди. Улар фақат маслаҳат бериб қолмасдан, жарроҳлик бўлимлари фаолиятига ҳам раҳбарлик қилди. Самарқанд вилоятидаги эвакгоспиталларнинг бош жарроҳи вазифасини Самарқанд тиббиёт институти профессори Б. Е. Панкратьев ва ундан сўнг К. В. Медведколар бажарди. Самарқанд шаҳрига эвакуация қилинган ҳарбий госпиталларда академиклар Н. Н. Аничков, В. Н. Осипов, В. И. Воячик, В. А. Шамов, профессорлар С. А. Новотельников, А. В. Лебединский, В. С. Дайников, В. М. Бродерзон, С. Ю. Минкин, М. Н. Энтин, Ф. М. Фольклер ва бошқалар фаолият олиб борди.

Андижон вилоятида 1941 йили 5 та ҳарбий госпитал ташкил этилиб, кейинги йилларда улар 10 та бўлди. Шаҳардаги маданий-маърифий муассасаларнинг бинолари уларга берилди. Масалан, Андижон шаҳрининг 24-сонли мактаби биносига 5161-эвакгоспитали жойлаштирилди. Уруш йиллари Андижонда ғарбдан кўчириб келинган Н. И. Панишевская, А. И. Аслибекян, И. П. Гаринина, Н. И. Михайлова, А. И. Романенко каби тиббиёт ходимлари бор эди.

Тошкент шаҳрида мамлакатдаги йирик ҳисобланган кўз касалликлари госпитали ташкил этилиб, унда таниқли академик В. П. Филатов фаолият кўрсатди. Уруш йиллари Украина кўз касаллиги илмий-тадқиқот институти академиги, соҳанинг мамлакатдаи етук мутахассисларидан В. П. Филатов Тошкент шаҳрида, ҳарбий-тиббий академиянинг кўз касалликлари клиникаси профессори Б. Л. Поляк, профессор В. Н. Архангельскийлар Самарқандда, Москва медицина институтининг кўз касалликлари клиникаси профессори М. Я. Фрадкин Фарғонада фаолият олиб борди.

Уруш қатнашчилари ва ярадорларга тиббий амалий ёрдам ва маслаҳатлар беришда тиббиёт соҳаси олимларидан В. П. Филатов, В. Т. Талалаев, И. А. Богарез, Х. В. Майстрах, И. А. Кассирский ва бошқалар жонбозлик кўрсатди. Ҳарбий госпиталларда маҳаллий врачлардан Т. Т. Гульбасарова, И. Расулов, М. П. Исахонов, С. Х. Муҳаммедов, Р. Р. Фарҳоди, А. С. Умарова, Р. К. Юсупова ва бошқалар фидокорона хизмат қилди.

Ўзбекистондан ғарбга ҳаракатдаги армия қисмлари учун ҳам госпиталлар тузилиб, фронтга жўнатилди. Масалан, Андижон вилоятида шундай даволаш муассасаларидан 8 таси тузилди ва энг зарур тиббий асбоб-ускуналар, кадрлар билан таъминланиб, фронтга юборилди.

Уруш йиллари йирик корхоналар қошида тиббий санитария қисми (МСЧ) ва соғломлаштириш пунктлари ташкил этилди. Масалан, 1942 йили тиббий санитария қисмларида 342 нафар шифокор ва 605 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият олиб

борди. Ўрта Осиёдаги йирик гидроэлектрстанция–Фарҳод ГЭС қурилиши бошланиш билан қурувчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида тиббий санитария қисми ташкил этилди. Унинг таркибида 250 ўринли шифохона, поликлиника ва мустақил санитария-эпидемия станцияси фаолият олиб борди. Бундан ташқари қурилиш майдонида врачлик участкалари ва безгакка қарши пунктлар ишлаб турди.

Республика соғлиқни сақлаш тармоғи оғир синовлардан ўтди ва кўплаб малакали, иқтидорли тиббиёт ходимлари урушга сафарбар этилди. Тиббиёт билим юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг профессорлари, доцент ва оддий ўқитувчилари, даволаш муассасаларида хизмат қилаётган ўрта тиббиёт ходимлари-фельдшерлар, санитарлар, ҳамширалар ҳам урушга кетди.

Ўзбекистон врачлари фронтдаги ҳарбий қисмларнинг санитария қисмларида қаҳрамонона меҳнат қилди. Сталинград остоналаридаги жангларда ҳарбий врач З. П. Хўжаев 39 та, умуман 1943 йилнинг 19 сентябридан 1944 йилнинг 1 январига қадар 647 та тиббий операцияни муваффақиятли амалга оширди.

Хуллас, Иккинчи жаҳон уруши йилларида соғлиқни сақлаш соҳаси фаолияти ҳам фронт эҳтиёжлари томон йўналтирилиб, унинг зиммасига ғарбдан эвакуация қилинган ҳарбий госпиталларни жойлаштириш, эпидемияларнинг олдини олиш, санитария-профилактика ишларини жонлантириш, даволаш муассасалари ишини йўлга қўйиш каби мураккаб вазифаларнинг юкланиши, бу эса тиббий ходимлар ишини янада оғирлаштирганлиги аниқланди. Эътиборли томони шундаки, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўзбекистонлик тиббиёт ходимлари ҳам Ватан ҳимояси ишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб, кўрсатган жасорати ва фидокорона меҳнати эвазига орден ва медаллар билан тақдирланиши ватанпарварликнинг яққол намунаси сифатида намоён бўлди.

### References:

1. Агзамходжаев С. А. Медики Узбекистана в годы Великой Отечественной войны // Советской здравоохранение. – М.: Медицина. 1975. № 10. – С. 67.
2. Литвиненко П. М. О героизме медиков в годы Великой Отечественной войны // Медицинский журнал Узбекистана. – 1985. – № 5. – С. 7.
3. Рахимов Э. В. Социально-экономические основы развития здравоохранения в Узбекистане. – Ташкент, 1984. – С. 35.
4. Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917-1991 йиллар). – Тошкент, Yangi nashr. 2015.
5. Советское здравоохранение. – 1975. – № 10. – С. 68.
6. Азляров А. В. Узбекистан на исцеление направляли раненых со всех фронтов // Правда Востока, 10 мая 2005 г.
7. Хотира. Тошкент шаҳри. 1-китоб. – Тошкент, 1994. – Б. 9; Хотира. Самарқанд вилояти. 1-китоб. – Тошкент, 1994. – Б. 9.
8. Хусанбаева А. Основные этапы развития сельского здравоохранения в Узбекистане. Автореф. дисс. канд. мед. наук. – Ташкент, 1969. – С. 10.
9. Каромов, Г. Х. (2019). Особенности городской культуры Самарканда Раннего Средневековья. Евразийское Научное Объединение, (1-7), 373-374.

10. Каромов, Г. Х. (2020). ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ИСТОРИОГРАФИЯ ИСТОРИИ МЕДИЦИНЫ В ТУРКЕСТАНЕ. ББК 1 Е91, 205.
11. Khamitovich, K. G. (2022). HISTORY OF HEALTH WORKS IN TURKESTAN ASSR. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 68-72.
12. Khamitovich, K. G. (2022). Measures in the Sphere of Maternal and Child Health in Uzbekistan. Miasto Przyszłości, 29, 12-15.
13. Khamidovich, K. G. (2020). The history of turkestan sanitary work. Journal of Critical Reviews, 7(9), 1126-1129.
14. Маматова, М. Б. (2022). СЕВЕРНЫЙ ЧАЙНЫЙ ПУТЬ И ИЗУЧЕНИИ ЕГО ИСТОРИИ. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-2).
15. Маматова, М. Б. (2019). РОЛЬ ИСТОРИИ ПОЯВЛЕНИИ ЧАЯ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ. In Избранные вопросы науки XXI века (pp. 7-10).
16. Маматова, М. (2022). Применение цифровых технологий в изучении истории чайного пути. Значение цифровых технологий в изучении истории Узбекистана, 1(01), 194-197.
17. Маматова, М. Б. (2021). ЧАЙНЫЙ ПУТЬ В СИСТЕМЕ ЕВРАЗИЙСКИХ КОММУНИКАЦИЙ. In Межкультурная коммуникация и миграция в истории народов Центральной Азии (pp. 61-62).